

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

НУРИДДИНОВ БОБОХОН ЯЛЛАБОЕВИЧ

**ҚОРАМОЛЛАР БАРМОҚЛАРИНИНГ ЙИРИНГЛИ-НЕКРОТИК
ЖАРАЁНЛАРИ ДИАГНОСТИКАСИ, ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ
ОЛИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**16.00.02 – Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси. Ветеринар
акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2023

УДК: 619:636.2:617:616:616.084.

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
ветеринарным наукам**

Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences

Нуриддинов Бобохон Яллабоевич

Қорамоллар бармоқларининг йирингли-некротик жараёнлари
диагностикаси, даволаш ва олдини олиш усулларини
такомиллаштириш.....

5

Нуриддинов Бобохон Яллабоевич

Усовершенствование методов диагностики, лечения и профилактики
гнойно-некротических процессов пальцев крупного рогатого скота

23

Nuriddinov Bobokhon Yallaboyevich

Improvement of methods of diagnosis, treatment and prevention of
purulent-necrotic processes of cattle fingers.....

43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

НУРИДДИНОВ БОБОХОН ЯЛЛАБОЕВИЧ

**ҚОРАМОЛЛАР БАРМОҚЛАРИНИНГ ЙИРИНГЛИ-НЕКРОТИК
ЖАРАЁНЛАРИ ДИАГНОСТИКАСИ, ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ
ОЛИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**16.00.02 – Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси. Ветеринар
акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий Аттестация Комиссиясида В2022.4.PhD/21 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ssuv.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ниёзов Хаким Бакоевич ветеринария фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Дилмуродов Насриддин Бабакулович ветеринария фанлари доктори, профессор Турсагатов Жаҳонгир Маматович ветеринария фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Ветеринария илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019V.12.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «19» 12 соат «14» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улугбек кўчаси, 77- уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86; e-mail: ssuv@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14313 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улугбек кўчаси, 77- уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86.

Диссертация автореферати 2023 йил «9» 12 куни тарқатилди.
(2023 йил «12» 9 даги № 5 - рақамли реестр баённомаси)



Х.Б.Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, биол.ф.д., профессор

С.Б.Эшбуриев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.д., доцент

Қ.Н.Норбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг кўпчилиги давлатлари чорвачилигида маҳсулдор қорамоллар орасида хирургик касалликлар 55–60% гача тарқалган бўлиб, шундан оёқларнинг жарроҳлик патологиялари 76% ни ташкил этмоқда¹. Аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига нисбатан мунтазам ўсиб бораётган талабини қондириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ушбу касалликлар энг катта тўсиқлардан бири бўлиб келмоқда. Хусусан, ҳайвонларнинг локомотор тизими касалликлари орасида, айниқса, оёқларнинг дистал қисми, яъни юқори маҳсулдор сигирларда бармоқларнинг йирингли-некротик жараёнлари учраши натижасида улардан соғиб олинаётган сутнинг миқдори ва тана вазнининг кескин камайиши ҳамда репродуктив органлар фаолиятининг сусайиши кузатилади. Маҳсулдор сигирларда бармоқлар йирингли-некротик жараёнларининг турлари ва йил фасллари бўйича учраш даражаси, иқтисодий зарари, кечиш хусусиятлари ҳамда симптомларини аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Дунё мамлакатлари миқёсида ветеринария илм-фани ва амалиётида шу кунга қадар маҳсулдор сигирларда бармоқлар йирингли-некротик жараёнларининг келиб чиқиши, тарқалиши ва иқтисодий зарарини аниқлаш бўйича тизимли илмий тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамасдан ушбу касалликларга ўз вақтида ташхис қўйиш, самарали даволаш ва олдини олиш усуллари етарлича илмий асосланмаган. Маҳсулдор сигирлар орасида кенг тарқалган бармоқларнинг йирингли-некротик жараёнларини барвақт ташхис қўйиш, консерватив ва оператив даволаш ҳамда олдини олиш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Республикамизнинг қорамолчилиги хўжаликларига четдан келтирилган юқори маҳсулдор сигирлар орасида тарқалган жарроҳлик касалликларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мунтазам ўтказиб борилаётганлигига қарамасдан, уларда бармоқларнинг йирингли-некротик жараёнлари билан мавсумий касалланиш даражаси ўртача 17,5 - 31,97% ни ташкил этмоқда. Маҳсулдор сигирларда оёқларнинг дистал қисми патологиялари оқибатида маҳсулдорлик ва пуштдорликнинг кескин пасайиши ҳамда ветеринария харажатларининг ортишидан чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар катта иқтисодий зарар кўрмоқда. Шу боисдан маҳсулдор қорамолларда бармоқларнинг йирингли-некротик жараёнларини республикамизнинг ҳудудий иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда эртачи ташхислаш, самарали даволаш ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

¹ Семенов Б.С. Роль этиологических факторов в возникновении и развитии хирургических болезней в условиях современных животноводческих комплексов / Б.С. Семенов, В.Н. Виденин, Т.Ш. Кузнецова // Актуальные вопросы ветеринарной хирургии: материалы. Междунар.научно-практич. конф., посвященной Дню Российской науки. - Омск.-2016. - С. 2.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»²ги, ПФ-60-сон фармони, 2017 йил 16 мартдаги «Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2841-сон, 2020 йил 29 январдаги «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4576-сон, 2022 йил 8 февралдаги «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-121-сон, 2022 йил 8 февралдаги «Ўзбекистон республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026-йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-120-сон қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сигирлар бармоқларида йирингли-некротик жараёнлар: бармоқлараро дерматит, йирингли пододерматитлар, юмшоқ товон флегмонасининг сабаблари, ташхис, даволаш ва олдини олиш усуллари бўйича хорижий муаллифлардан В.В.Байлов, Э.И.Веремей, А.А.Стекольников, Е.М.Марьин, А.А.Кириллов, В.А. Лукьяновский, И.С.Панько, Б.С.Семенов, А.С.Молоканов, В.А.Коноплев, M.Gutenther, P.Bezille, G.J.Rowlands, C.Stanek, J.Stur ва бошқалар, Республикамиз олимларидан Н.Ш.Давлатов, Ҳ.Б.Ниёзов, М.Исаев, Х.А.Хамдамов, Б. Мухтаров ва Ф.Худоёровлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Ўрганилган илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, маҳсулдор сигирларда бармоқларнинг йирингли-некротик жараёнларини республикамиздаги қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликларда сигирлар орасида тарқалиши ва минтақавий сабаблари, эртачи ташхис ҳамда самарали даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари тўлиқ ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетидида «Қорамолларда учрайдиган барча юқумсиз, юқумли ва паразитар касалликларнинг олдини олиш ва даволаш хизматларини кўрсатиш» мавзуси

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

бўйича хўжалик шартномаси (9.10.2019 йил №1-23/10) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: маҳсулдор сигирлар бармоқларида йирингли-некротик жараёнларининг учраш даражасини аниқлаш, ташхис усулларини ишлаб чиқиш, даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хирургик диспансерлаш негизида Самарқанд вилоятининг қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликлари шароитида маҳсулдор сигирлар бармоқларида йирингли-некротик жараёнларининг учраш даражаси ва сабабларини аниқлаш;

бармоқларида йирингли-некротик жараёнлар кечаётган сигирларда ташхис усулини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар;

сигирлар бармоқлари йирингли-некротик жараёнларини даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган тажрибалар ўтказиш;

маҳсулдор сигирларда бармоқларнинг йирингли-некротик жараёнларининг олдини олиш усулини такомиллаштиришга қаратилган тажрибалар ўтказиш;

сигирлар бармоқларида йирингли-некротик жараёнларни даволаш ва олдини олиш усуллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликларга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоятининг қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликлари шароитида сақланаётган сигирлар, улардан олинган қон ва йиринг суюқлиги намуналари, 30% линкомицин, димексид, окситетрациклин, 10% ли катозал препаратлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сигирлар бармоқлари йирингли-некротик жараёнларидан олинган йиринг рН кўрсаткичи, ундаги микроорганизмларнинг турлари, нисбий кўрсаткичлари ва микроорганизмларни дори воситаларига сезувчанлиги, сигирларнинг клиник, қондаги морфологик ва биокимёвий кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мазкур диссертация ишини бажаришда клиник, патологоанатомик, қон намуналарини морфологик ва биокимёвий, микроблар турлари, нисбий фоизлари ва микробларнинг дори воситаларига сезувчанлигини аниқлашда бактериологик ҳамда математик-статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Илк бор Самарқанд вилоятининг қорамолчилик хўжаликларидаги маҳсулдор сигирлар бармоқларидаги йирингли-некротик жараёнларнинг йил фасллари ва минтақавий омилларга боғлиқ учраш даражаси аниқланган;

механик шикастланишлар ва микроорганизмлардан стафилококк, стрептококк, эшерихия коли, кўк йиринг таёқчаси, замбуруғлар, протей, энтерококк маҳсулдор сигирларда бармоқлардаги йирингли-некротик жараёнларнинг асосий сабаби эканлиги илмий асосланган;

сигирларда клиник, қондаги морфологик ва биокимёвий ҳамда микробиологик текширишларга асосланган бармоқларнинг йирингли-некротик жараёнларига эртачи ташхис усули ишлаб чиқилган;

бармоқларида йирингли-некротик жараёнлар кечаётган сигирларни даволашда 10% ли катозал вена қон томирига 25 мл дан ҳар 48 соатда бир мартаба-жами уч марта, 10 мл 0,5% ли новокаин билан 4 мл 30% ли линкомицин аралаштирилиб мускул орасига юборилиб, окситетрациклин +стрептоцид+йодоформ (4:4:2 нисбатда) ва 5-7 мл димексид дори моддаларини қўллашга асосланган даволаш усули такомиллаштирилган;

сигирлар бармоқларида йирингли-некротик жараёнларнинг олдини олишда 3 ойда бир марта туёқларни кесиш, 5% ли формалинли ваннадан ҳар 10 кун оралиғида 2-3 кун давомида ўтказиш ва уч ой давомида ҳар ойда 10% ли катозални вена қон томирига 25 мл дан ҳар 48 соатда бир марта -жами уч марта қўллашга асосланган усул ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилояти қорамолчиликка ихтисослашган хўжаликларидаги сигирлар бармоқларида йирингли-некротик жараёнларнинг турлари, учраш даражаси ва келиб чиқиш сабаблари аниқланган;

сигирларда йирингли-некротик жараёнлар пайтида кузатиладиган ўзига хос клиник, патологоанатомик ҳамда қон намуналарининг морфологик ва биокимёвий ўзгаришлари илмий асосланган;

бармоқларда йирингли-некротик жараёнларда битиш жараёнини тезлаштириш учун дори моддаларини маълум меъёр ва тартибда қўллашга асосланган даволаш усуллари такомиллаштирилиб, уларни қўллаш усуллари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, бирламчи маълумотларга ишлов бериш ва амалий таҳлил қилиш, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар натижалари билан қиёсан чуқур илмий таҳлил этилганлиги, мутахассислар томонидан илмий тадқиқотлар ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилганлиги, илмий иш натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сигирларда йирингли-некротик жараёнларининг турлари, учраш даражаси, сабаблари, клиник белгилари, даволаш ва олдини олишга қаратилган воситалар синовдан ўтказилганлиги, сигирлар организмидаги клиник, морфологик, биокимёвий ва микробиологик ўзгаришлар таҳлил қилинганлиги, даволаш ва олдини олиш усуллариининг самарадорлиги назарий ва амалий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ҳозирги вақтда қорамоллар орасида йирингли-некротик жараёнларининг фасллар бўйича учраш даражаси аниқланганлиги, касалликни даволашда ва олдини олишда янги препаратларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида

сигирларнинг соғайиш даври 4-6 кунга қисқариши, сутнинг ўртача 5,5 литрга кўпайиши орқали фермер хўжаликларига етказилаётган катта иқтисодий зарарнинг олди олинганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳсулдор қорамолларда йирингли-некротик жараёнларнинг учраш даражаси ҳамда даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Қорамолларда бармоқларнинг йирингли-некротик жараёнларини даволаш ва олдини олиш бўйича тавсиялар» ишлаб чиқилган ва ветеринария амалиётига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 27 декабрдаги 02/23-558-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларни қўллаш ҳисобига сигирлар бармоқларининг йирингли-некротик жараёнларини даволаш ва олдини олишда юқори самарадорликка эришилган;

маҳсулдор сигирларнинг бармоқлари йирингли-некротик жараёнларида битишни тезлаштириш мақсадида 10% ли катозал 25 мл дан вена қон томирига, 10 мл 0,5% ли новокаин билан 4 мл 30% ли линкомицин мускул орасига ва патологик ўчоққа окситетрациклин+стрептоцид+йодоформ (4:4:2 нисбатда) ларнинг сўрилишини тезлаштириш мақсадида 5-7 мл димексид фаоллаштирувчи дори воситаларини қўллашга асосланган даволаш усули ишлаб чиқилган ва Самарқанд вилояти қорамолчилиқ фермер хўжаликларига жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 27 декабрдаги 02/23-558-сон маълумотномаси). Ушбу даволаш усулининг қўлланиши натижасида касал ҳайвонларнинг 4-6 кун олдин соғайишига эришилган;

маҳсулдор сигирларда бармоқ соҳасидаги йирингли-некротик жараёнларнинг олдини олишда кунига икки марта 3-4 соатлик моцион бериш, туёқларни ҳар 3 ойда кесиш, соғиш майдонига кириш жойида тоза сувли ва ундан чиқиш жойида 5% ли формалинли дезинфекцион эритма билан мунтазам тўлдириб туриладиган ванналардан ҳар 10 кун оралиғида 2-3 кун давомида ўтказиш ва уч ой давомида ҳар ойда 10% ли катозал вена қон томирига 25 мл дан ҳар 48 соатда бир марта-жами уч марта юбориб туришга асосланган усул ишлаб чиқилган ва ветеринария амалиётига жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 27 декабрдаги 02/23-558-сон маълумотномаси). Ушбу профилактик мажмуа бошқа муқобил вариантларига қараганда энг самарали даволаш ва олдини олиш усули эканлиги аниқланиб, сарфланган бир сўмга харажатлар коплами 4,2 сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 7 та, жумладан, 4 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8

та мақола, уларнинг 3 таси Республика ва 5 таси хорижий илмий журналларда, 4 та ҳалқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманлар тўпламларида нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **«Кириш»** қисмида тадқиқотлар мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предметлари, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг **«Адабиёт маълумотларининг таҳлили»** деб номланган биринчи боб уч қисмга бўлинган бўлиб, унинг биринчи “Йирик шохли ҳайвонларда оёқ касалликларининг тарқалиши ва улардан келиб чиқадиган иқтисодий зарар” деб номланган қисмида йирик шохли ҳайвонларда оёқ касалликларининг тарқалиши ва улардан келиб чиқадиган иқтисодий зарар тўғрисида республикамиз ва дунё олимларининг илмий тадқиқот ишлари натижалари келтирилган. «Бармоқларда йирингли-некротик жараёнларни келтириб чиқарувчи омиллар, уларнинг кечиши ва диагностикаси» деб номланган иккинчи қисмида йирик шохли ҳайвонлар бармоқларида йирингли-некротик жараёнларни келтириб чиқарувчи омиллар, уларнинг кечиши ва ташхис усуллари тўғрисидаги илмий адабиётлар маълумотлари баён этилган. «Бармоқларда йирингли-некротик жараёнларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари» деб номланган учинчи қисмида йирик шохли ҳайвонлар бармоқларида йирингли-некротик жараёнларни самарали даволаш усуллари, даволаш воситаларининг дозалари, дори воситаларининг организмга таъсири, шунингдек касал ҳайвонларни даволаш, олдини олиш бўйича илмий-амалий ва назарий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотлар материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Илмий тадқиқотлар 2018-2022 йилларда Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети “Ветеринария жарроҳлиги ва акушерлик”, “Эпизоотология, микробиология ва вирусология” кафедраларида, вилоят шифохонаси ва “PARIZODA” хусусий клиника

лабораторияларида, Самарқанд вилояти Оқдарё тумани “Фаровон Гранд Инвест” ва “Оқдарё Тўлқин шижоат” чорвачилик фермер хўжаликларида, Нарпай тумани “Агро Голд Спринг” чорвачилик фермер хўжалигида, Пахтачи туман “Хирмонга барака Икром” ва “Ўткир чорво инвест” фермер хўжаликларида олиб борилди.

Клиник-ортопедик диспансерлаш орқали хўжаликдаги сигирларнинг иқтисодий кўрсаткичлари, ҳайвонларни сақлаш ва озиклантириш шароитлари ҳамда сут маҳсулдорлигини таҳлил қилиш асосида пода синдроматикаси ўрганилди.

Патологик жараёндаги клиник белгилар умумий ва махсус текшириш, яъни кўрик, пальпация, перкуссия, пассив ва айланма ҳаракат, юргизиб кўриш усуллари ёрдамида текширилди. Барча тажрибаларда қон таркибидаги эритроцитлар ва лейкоцитлар сони (Горяев санок тўри ёрдамида), периферик қондан тайёрланган суртмаларда лейкоформула (Романовский-Гимза усулида бўялган суртмаларда), қондаги гемоглобин миқдори (Сали гемометри ёрдамида (А.А.Кудрявцев ва бошқ.)), қон зардобидидаги умумий оқсил миқдори (рефрактометрик усул), оқсил фракциялари (Олла-Маккарднинг нефелометрик экспресс усули С.А.Карпюк модификацияси бўйича) аниқланди.

Диссертациянинг **«Сигирларда бармоқларнинг йирингли-некротик жараёнлари, уларни келтириб чиқарувчи этиологик омиллар ва патогенетик хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобнинг «Сигирлар бармоқ соҳасида йирингли-некротик жараёнларнинг учраш даражаси» деб номланган биринчи қисмида сигирларда бармоқларининг йирингли-некротик жараёнлари билан касалланиш даражаси келтирилган.

Самарқанд вилояти Оқдарё тумани “Фаровон Гранд Инвест” ва “Оқдарё Тўлқин шижоат” чорвачилик фермер хўжаликларида 737 бош қорамоллар бўлиб улардан 377 бошни сигирлар ташкил қилади.

Оқдарё туманидаги “Фаровон Гранд Инвест” ва “Оқдарё Тўлқин шижоат” чорвачилик фермер хўжаликларида 2019-2020 йилларда 377 бош сигирларда клиник-ортопедик диспансерлаш ўтказилганда уларнинг 97 бошида (25,7%) бармоқ ва туёқларда патологик жараёнлар кечаётганлиги аниқланган.

Хўжаликлардаги сигирларда клиник-ортопедик диспансеризация ўтказилганда бармоқ ва туёқларда, 16,5% бармоқлараро дерматит, 15,5% пододерматитлар, 14,4% юмшоқ товон флегмонаси, 12,4% Рустергольц яраси, 10,3% туёқ гултожи флегмонаси, 8,2% ламинитлар, 6,2% туёқ унгуляцияси, 6,2% ярали тилома ва 10,3% туёқ соҳасидаги жароҳатлар кечаётганлиги аниқланган (1-жадвал).


Самарқанд вилоятининг “Фаровон Гранд Инвест” ва “Оқдарё Тўлқин шижоат” чорвачилик фермер хўжаликларида 2019-2020 йилларда қорамоллар бармоқ ва туёқларидаги касалликлар йилнинг фасл ва ойлари бўйича текшириб борилганда касалланиш даражаси кўпроқ баҳор ойларида кузатилиб, бунда барча рўйхатга олинган сигирларнинг 31 бошида (31,97%),

қиш ойларида 28 бошида (28,87%), куз ойларида 21 бошида (21,65%) ва ёз ойларида 17 бошни (17,51%) ташкил этиши қайд этилган (1-расм).

1-жадвал

2019-2020 йилларда сигирлар бармоқларининг йирингли-некротик жараёнлари билан касалланиш даражаси

Бармоқ ва туёқлардаги патологик жараёнлар	Касал ҳайвонлар бош сони	Касал ҳайвонлар сони, %
Юмшоқ товон флегмонаси	14	14,4
Рустергольц яраси	12	12,4
Бармоқлараро дерматит	16	16,5
Пододерматитлар	15	15,5
Ярали тилома	6	6,2
Гултож флегмонаси	10	10,3
Ламинитлар	8	8,2
Туёқ жароҳатлари	10	10,3
Туёқ унгуляцияси	6	6,2
Жами:	97	100,0



1-расм. Йирингли некротик жараёнларнинг фасллар бўйича учраши

Текширишлар натижалари шуни кўрсатдики, қорамоллар бармоқ ва туёқларидаги касалликларнинг жароҳат турига ва микроорганизмларнинг вирулентлигига боғлиқлиги, яъни жароҳат оқибатида қанча кўп бармоқ элементлари шикастланса ва улар микроблар билан ифлосланса, патологик жараён шунчалик оғир кечиши ва асоратли бўлиши аниқланди.

Ушбу бобнинг «Сигирларнинг бармоқ соҳасидаги йирингли-некротик жараёнлардан олинган намуналардаги микроорганизмлар турлари ва уларнинг антибиотикларга сезувчанлиги» деб номланган қисмида сигирлар бармоқ соҳасидаги йирингли-некротик жараёнлардан

олинган намуналарда микробларнинг турлари, фоизлари, антибиотиклар ва бошқа дори воситаларига сезувчанлигини текшириш натижалари келтирилган бўлиб, хўжаликдаги 111 бош сигирлардан бармоқ соҳасидаги йирингли-некротик жараёнлар билан касалланган 12 бош (10,8%) сигирларнинг бармоқларидаги патологик жараёнларидан олинган намуналар Петри идишчаларига озуқа муҳитларида экилган микроблар колониялари текширилганда, стафилококкнинг 5 та, стрептококкнинг 7 та, эшерихия колининг 6 та, кўк йиринг таёқчасининг 3 та, замбуруғларнинг 2 та, протей ва энтерококкларнинг 4 тадан колониялари ажратиб олинди. Жами ажратиб олинган 31 микроб колониялар нисбий фоизи таҳлил қилинганда стафилококклар 16,1%, стрептококк 22,6%, эшерихия коли 19,3%, кўк йиринг таёқчаси 9,7%, замбуруғлар 6,5%, протей 12,9%, энтерококк 12,9% ни ташкил этди.

Хўжаликлардаги бармоқ соҳасида йирингли-некротик жараёнлар билан касалланган 12 бош сигирлардан олинган намуналар Петри идишчаларига озуқа муҳитларида экилган микроблар колониялари текширилганда стафилококк 41,66%, стрептококк 58,33%, эшерихия коли 50%, кўк йиринг таёқчаси 25%, замбуруғлар 16,66%, протей 33,33% ва энтерококк 33,33% ни ташкил этиши аниқланди.

Микробларнинг антибиотиклар ва бошқа дори воситаларига сезувчанлигини аниқлаш мақсадида Петри идишчаларида ўсган микроблар колониясидан соф културани ажратиб олиш учун ҳар бир Петри идишчаларидан бир дона колонияни олиб 1:10 нисбатда 0,9% физиологик эритмада суюлтириб экилди ҳамда антибиотик ва бошқа дори воситалари шимдирилган дисклар жойлаштирилиб термостатга қўйилди. Термостатдан Петри идишчаларидан олинганда дисклар атрофида зоналар ҳосил бўлганлиги қайд қилинди. Ҳосил бўлган зоналар чизғич ёрдамида ўлчанганда махсус тайёрланган эмулция шимдирилган дискларда (окситетрациклин ва пенстреп-400) стафилококк 28 мм, стрептококк 22 мм, эшерихия коли 24 мм, кўк йиринг таёқчаси 22 мм, замбуруғлар 25 мм, протей 26 мм ва энтерококк 20 мм ни ташкил этган бўлса, окситетрациклин+йодоформ+стрептоцид шимдирилган дискларда стафилококк 27 мм, стрептококк 21 мм, эшерихия коли 26 мм, кўк йиринг таёқчаси 23 мм, замбуруғлар 24 мм, протей 24 мм ва энтерококк 25 мм ни ташкил этди.

Шунга ўхшаш линкомицин шимдирилган дискларда стафилококк 23 мм, стрептококк 20 мм, эшерихия коли 22 мм, кўк йиринг таёқчаси 21 мм, замбуруғлар 22 мм, протей 23 мм, энтерококк 22 мм ва бициллин-5 шимдирилган дискларда стафилококк 23 мм, стрептококк 19 мм, эшерихия коли 14 мм, кўк йиринг таёқчаси 12 мм, замбуруғлар 11 мм, протей 21 мм ва энтерококк 23 мм ни ташкил этди. Суммар антибиотик шимдирилган дискларда нисбатан зоналар каттароқ намоён бўлиб, бунда стафилококк 29 мм, стрептококк 23 мм, эшерихия коли 25 мм, кўк йиринг таёқчаси 28 мм, замбуруғлар эса 27 мм, протей 26 мм ва энтерококк 25 мм ни ташкил этиши қайд этилди.

Олиб борилган илмий текширишлар, йирингли-некротик жараёнларнинг ривожланиш занжирини тўлиқ очиб беради ва даволашда янги дориларни қўллаб иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган даволаш ва олдини олиш схемасини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Ушбу бобнинг «**Клиник-физиологик кўрсаткичлар**» деб номланган қисмида сигирлар бармоқ соҳасидаги турли йирингли-некротик жараёнларнинг клиник кўрсаткичлари ёритилган бўлиб, бармоқлараро дерматит жараёнларида 2-3 см катталиқдаги шаклсиз овалсимон некротик патологик жараёнлар аниқланди, патологик жараёнлар, асосан, юмшоқ товоннинг юмшоқ шох қаватига ўтадиган терисида ва икки туёқчалар оралиғидаги терида учраши аниқланди. Шикастланган жой кулранг парда билан қопланган бўлиб, ундан ўзига хос қўланса ҳид келади. Терининг шикастланган жойи қизарган, кучли оғриқ сезди айрим жойларидан қон оқиши кузатилди. Туёқ пододерматити билан касалланган сигирларда туёқ товони шох қавати, унинг тери асоси ва атроф тўқималарининг шикастланганлиги аниқланиб, туёқ товонининг ички қисми йирингли пододерматит билан жароҳатланган туёқ юқори соҳаси шишган, оғриқли флюктуация берди, ҳайвонлар оёқларнинг жароҳатланган бўғимларини бир оз буккан ҳолатда туёқнинг учки қисмини босиб турди, айрим ҳайвонларда патологик ўчоқ очилиб, унинг ичидан суюқ яшил кулранг йиринг оқаётганлиги ва атрофида яллиғланишга хос хусусиятли шишлар пайдо бўлганлиги кузатилди.

Учинчи бобнинг «**Патологоанатомик ўзгаришлар**» деб номланган қисмида сигирлар бармоқ соҳасидаги турли йирингли-некротик жараёнларнинг патологоанатомик ўзгаришлари қайд қилинган бўлиб, йирингли пододерматитда туёқ тери асосининг сўрғичсимон қавати шишган, суюқлиги қорамтир лойқасимон, нотекис ва майда-майда қон қуйилганлиги кузатилди. Туёқ тери асосининг сўрғичсимон қавати сўрғичлари гиперплазия ва гипертрофияга учраганлиги сабабли туёқ тери асосининг сўрғичсимон қаватининг айрим жойлари қизил донатор бахмалсимон шаклга кирган. Унинг дорсал ва вентрал томонлари бинафша-кулранг, озроқ грануляцион тўқима ўсганлиги кузатилиб, туёқ тери асосининг сўрғичсимон қавати сўрғичлари билан грануляцион тўқима оралиғига йирингли экссудат бири-бирига ёпишган узун сўрғичлар шаклида жойлашган. Туёқ шох қавати қорайган бўлиб, йирингли яллиғланиш оқибатида некротик жараёнлар ривожланган. Сўрғичсимон қаватининг сўрғичлари усти юпка лойқасимон, юзаси нотекис, юмшоқ тўқимаси стромасида бузилишлар кузатилмаган бўлса-да, уларда қорамтир ўлган тўқималар ҳосил бўлганлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Қорамолларнинг бармоқларидаги йирингли-некротик жараёнларни даволашни такомиллаштириш**» деб номланган тўртинчи бобининг «**Қорамолларда бармоқларнинг йирингли-некротик жараёнларини такомиллаштирилган усулларда даволаш**» қисмида сигирларнинг бармоқларида йирингли-некротик жараёнларни даволаш натижалари баён этилган.

Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманидаги “Фаровон Гранд Инвест” фермер хўжалиги шароитидаги бармоқларнинг йирингли-некротик жараёнлари кечаётган 15 бош Голштейн зотли сигирлар 5 бошдан 3 гуруҳга ажратилди. Биринчи ва иккинчи тажриба гуруҳлари, учинчиси назорат гуруҳи бўлиб хизмат қилди.

Ушбу бобнинг «**Клиник-физиологик кўрсаткичлар**» деб номланган қисмда сигирларни даволаш муолажалари қўлланилгандан кейинги клиник кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, бармоқлараро дерматит билан касалланган биринчи гуруҳ ҳайвонларида даволаш ўртача 18 кун, иккинчи гуруҳда 16 кун ва учинчи гуруҳда 20 кун, юмшоқ товон флегмонаси билан касалланган биринчи гуруҳ ҳайвонларида даволаш 21 кун, иккинчи гуруҳда 18 кун ва учинчи гуруҳда 24 кун давом этган бўлса, йирингли пододерматит билан касалланган ҳайвонларда эса шунга мос равишда 16, 14 ва 18 кун давом этди. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, бармоқ ва туёқлардаги функцияларнинг морфологик тўлиқ тикланиши даволаш тугатилганидан кейин кузатилди.

Тўртинчи бобнинг «**Гематологик кўрсаткичлар**» деб номланган қисмда сигирлар бармоқ соҳасидаги турли йирингли-некротик жараёнларнинг морфологик ва биокимёвий ўзгаришлари қайд қилинган бўлиб, олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, умум қабул қилинган усулларга 10 мл 0,5 % ли новокаин билан 4 мл 30% ли линкомицин аралаштирилиб, мускул орасига юборилиб, окситетрациклин+ стрептоцид + йодоформ (4:4:2 нисбатда)лар сўрилишини тезлаштириш учун 5-7 мл димексид стимулловчи восита қўлланилган биринчи гуруҳ ҳайвонлари қонидаги эритроцитлар миқдори бешинчи кундан бошлаб кўпайиб борди, яъни тажрибанинг 15-кунида 3,5% ни, тажрибанинг охирига келиб кўпайиш дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 6,3% ни ($P<0,05$) ташкил этди.

Ушбу гуруҳдаги сигирлар қонида лейкоцитлар миқдори тажрибанинг 10-кунидан камайиб борди ва 6,7% ни ташкил этди, тажриба охирида эса 21,4% га ($P<0,05$) камайганлиги қайд этилди.

Гемоглобин миқдорининг ўзгариши эритроцитлар сонининг ўзгаришига ўхшаш бўлиб, тажрибанинг 10-кунида 8,7% га кўпайди ($P<0,05$), кейинчалик унинг максимал кўпайиш даражаси текширишларнинг 25-кунида кузатилди, яъни бунда унинг миқдори 16,9% га ($P<0,05$) ошганлиги аниқланди. Биринчи тажриба гуруҳидаги сигирларда қондаги морфологик ўзгаришларнинг бошланиши тажрибанинг бошида намоён бўлиб, бунда эритроцитларнинг чўкиш тезлиги тажриба бошига нисбатан 5-кунида 3,7% га камайган бўлса, тажрибанинг 15-кунида 12,2% ва 25-кунида эса 13,2% га камайганлиги қайд этилди.

Биринчи тажриба гуруҳидаги ҳайвонларда эозинофиллар миқдори тажрибанинг 10-кунларида 26,3% га кўпайган бўлса, тажрибанинг 25-кунига келиб 47,4% га ($P<0,05$) ошганлиги қайд этилди. Ёш нейтрофиллар тажриба давомида камайиб бориб, тажрибанинг 5-кунига 21,4% 10-куни 35,7% камайиб, тажрибанинг 15-кунидан умуман қайд этилмади. Таёқча ядроли нейтрофиллар ҳам тажриба давомида камайиб бориб, тажрибанинг 10-кунида

42,9% га ($P < 0,05$) камайган бўлса, тажриба охирида эса 50% га камайганлиги аниқланди. Ушбу гуруҳдаги сегмент ядроли нейтрофиллар эса тескари манзара намоён қилиб, тажрибанинг 10-кунларида 20,3% га кўпайган бўлса, тажрибанинг 25-кунига келиб 45,9 % га ($P < 0,05$) кўпайганлиги намоён бўлди. Лейкоформуладаги лимфоцитлар нисбий кўрсаткичи ҳам биринчи гуруҳ ҳайвонларида тажриба давомида камайиб бориб, 10-кунларда дастлабки кўрсаткичларига нисбатан шунга мос равишда 9,1% га ($P < 0,05$) ва тажриба охирида эса 19,6% га ($P < 0,05$) камайганлиги аниқланди.


Ушбу гуруҳдаги ҳайвонларда моноцитлар миқдори тажриба бошидан кўпайиб бориши қайд этилиб, тажрибанинг 5-кунида 60% га, тажрибанинг 15-кунида эса 140% га ошганлиги ва тажриба охирида эса дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 160% га ошганлиги қайд этилди.

Қон зардобининг биокимёвий таркиби текширилганда дастлабки 10-кунида умумий оқсил миқдори 5,4% га ($P < 0,05$) кўпайганлиги кузатилган бўлса, сўнгра у яна ошиб борди ва тажриба охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 9,2% га ($P < 0,05$) кўтарилганлиги қайд қилинди. Оқсил спектри аниқланганда альбуминлар кўпайиб бориб, унинг максимал кўпайиш даражаси 25-кунда кузатилди ва 19,7% ни ташкил этди. Альфа глобулинлар миқдори тажриба давомида камайиб бориб, тажриба охирида 21,6% ни ташкил этди, бетта глобулинлар миқдори тажрибанинг 10-кунида 15,6% га ($P < 0,05$) кўпайиб, тажриба охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 24,6% га ($P < 0,05$) ошганлиги ва гамма глобулинларда эса тескари манзара намоён бўлиб, кузатишларнинг охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 18,2% га камайганлиги аниқланди.

Умум қабул қилинган усулларга қўшимча йиринг ажралиши тўхтагандан кейин 10% ли катозал иммуностимулятордан вена қон томирига 25 мл дан ҳар 48 соатда бир марта-жами уч марта, 10 мл 0,5% ли новокаин билан 4 мл 30% ли линкомицин аралаштирилиб, мускул орасига юборилиб, окситетрациклин + стрептоцид + йодоформ (4:4:2 нисбатда)лар сўрилишини тезлаштириш учун 5-7 мл димексид стимулловчи восита қўлланилган тажрибадаги 2-гуруҳ ҳайвонлари қони текширилганда уларда қуйидаги ўзгаришлар намоён бўлганлиги қайд этилди.

Эритроцитлар сони текширишларнинг бошида, яъни 5-кунда 2,1% га, 15-кунида 4,2% га кўпайган бўлса, тажриба охирига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 8,3% га ($P < 0,05$) ошганлиги аниқланди.


Лейкоцитлар сони тажрибанинг 5-кунидан бошлаб камая бошлади ва 10-кунида 11% га ва тажриба охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 17% га камайиши кузатилди. Гемоглобин миқдори текширишларнинг 5-кунида 5,6% га кўпайган бўлса, тажрибанинг 15- ва 25-кунларида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан мос равишда, 15,5% ва 19,4% ($P < 0,05$) ни ташкил этди. Эритроцитларнинг чўкиш тезлиги иккинчи тажриба гуруҳ ҳайвонларида тажрибанинг 5- ва 10-кунида шунга мос равишда 3,4 ва 7,9% га камайган бўлса, тажриба давомида яна камайиб борди ва тажриба охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 13,5% га камайганлиги намоён бўлди (2-расм).



2-расм. Иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонлар қонидаги морфологик кўрсаткичлар (%)


Иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонларида эозинофиллар миқдори тажриба давомида кўпайиб бориши кузатилиб, тажрибанинг 5-кунда 28,1% га, 10-15- ва 25-кунларида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан мос равишда 62,5%, 81,2% ва 93,8% га ($P < 0,05$) кўпайганлиги аниқланди. Ёш нейтрофиллар ушбу гуруҳда тажриба давомида камайиб бориб тажрибанинг 5-кунда 16,7% га, 10-кунга 58,3% га камайиб тажрибанинг 15–кундан бошлаб умуман қайд этилмади. Иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонларида таёкча ядроли нейтрофиллар миқдори тажрибанинг 10-кунда 34,5% га камайган бўлса, тажрибанинг 25-кунда 58,6% га ($P < 0,05$) камайганлиги намоён бўлди. Ушбу гуруҳдаги сегмент ядроли нейтрофиллар тажриба давомида кўпайиб бориб, тажрибанинг 10-кунларида 27,7% га кўпайган бўлса, тажрибанинг 25-кунга келиб 45,2% га ($P < 0,05$) кўпайганлиги намоён бўлди. Лимфоцитлар тажрибанинг 10-кунда 12,3% га камайганлиги кузатилган бўлса, текширишларнинг охирига келиб дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 21,2% га камайганлиги қайд этилди. Моноцитлар миқдори эса тажриба давомида ошиб борди тажрибанинг 5-кунда 18,7% га, тажрибанинг 10-кунда эса 43,7% га ($P < 0,05$) ошганлиги ва тажриба охирида 93,8% га ($P < 0,05$) кўпайганлиги қайд этилди (3-расм).

Ушбу гуруҳ ҳайвонлари қон зардобининг биокимёвий кўрсаткичларида ҳам маълум бир характерли ўзгаришлар намоён бўлди. Қон зардобидagi умумий оксил миқдори текширишларнинг 10-кунда 3,3% га ошган бўлса, сўнгра тажриба давомида кўпайиб бориб, тажриба охирида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 14,5% га ($P < 0,05$) кўпайганлиги аниқланди. Альбуминлар миқдори текширишларнинг 5-кунда 4,5% га ошган бўлса, кейинчалик, яъни тажрибанинг 15-кунда 20,1% га ($P < 0,05$) ва тажриба охирида улар миқдорининг 27,8% га ($P < 0,05$) кўпайганлиги қайд этилди.



3-расм. Иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонлари қонининг лейкоформуласи(%)

Альфа-глобулинлар миқдори тажрибалар давомида камайиб бориб, текширишлар охирида 14,8% га ($P<0,05$) камайганлиги қайд қилинди. Бетта-глобулинлар миқдори эса дастлабки кўрсаткичларга нисбатан тажрибанинг 15-кунда 14,4% га ($P<0,05$) ва тажриба охирида 24,2% га ($P<0,05$) кўпайганлиги кузатилди. Гамма-глобулинлар миқдори эса камайиб бориб, тажриба охирида 77,2% ни ташкил этди (4-расм).



4-расм. Иккинчи тажриба гуруҳи ҳайвонлари қони зардобдаги биокимёвий кўрсаткичлари (%)

Учинчи назорат гуруҳи ҳайвонлари қони текширилганда улар қонидаги морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларда қуйидаги ўзгаришлар намоён бўлди.

